

# «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон халқини



2006 йил

билан самимий табриклайди.

Янги йил мамлакатимизга тўкин-сочинлик,  
қут-барака, тинчлик олиб келсин.

Ота-оналаримиз, боболаримиз ва бувижонларимиз  
доимо соғ-саломат бўлишсин. Келажагимиз давомчиси  
бўлган фарзандларимизга бахту иқбол тилаймиз.

Жаннатмакон Ўзбекистонимизда  
етиштирилаётган сархил мевалар,  
минг дардга дармон сабзавотлар,  
ишқомларда бол боғлаётган узумлар  
келаси йилда янада мўл-кўл бўлсин!



## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ 2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Олмалик Саноят касб-хунар коллежи ўзининг юқори малакали профессор ўқитувчилари, илмий ходимлари ва ўқув амалиёт базасидан иборат салоҳиятли билим масканларидан бири. У нафақат Олмалик шаҳрида, балки Тошкент вилоятида энг кўркам, барча шароитларга эга ихтисослашган билим маскани бўлиб, унда тахсил олаётган талабалар касб-хунар сирларини ўрганиш билан бирга турли маънавий-маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этадилар. Жумладан, «Ўзбекистон – Ватаним меним» кўшиқ байрамида республика бошқичига йўлланма олган, «Замона ёшлари» кўрик-танлови вилоят бошқичи соҳиби бўлган, «Баркамол авлод – 2005» республика спорт ўйинларида вилоят миқёсида энг юқори бали тўплаб, кўл тўпи (гандбол) бўйича қизлар командаси ўртасида 1-ўринни эгаллаган жамоадир.

Ўрта таълим мактабларини шу йил тугатаётган азиз ёшлар! Мустақиллик шарофати билан ривожланиш йўлидан дадил бораётган она юртимиз – Ўзбекистон санояти юксалишига ўз ҳиссангизни қўймоқчи ва ўз мутахассислигингиз бўйича етук устозлар билимидан баҳраманд бўлмоқчи ҳамда, истиқболли келажагингиз йўлига бугундан пойдевор қўймоқчи бўлсангиз, Сизларни Олмалик Саноят касб-хунар коллежига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф этамиз:

### 9-СИНФНИ

#### БИТИРГАНЛАР УЧУН:

1. Қора ва рангли металлларни эритиш ва қуйиш (ўзбек гуруҳи);
2. Автоматика воситалари жиҳозларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш (ўзбек ва рус гуруҳлари);

3. Бурғулаш ишлари (ўзбек гуруҳи);
4. Тоғ-кон қидириш ишлари (ўзбек гуруҳи);
5. Саноят машиналари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларни тузатиш (ўзбек гуруҳи);
6. Саноят корхоналари ва қурилмалари электр жиҳозларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (ўзбек гуруҳи);
7. Фойдали қазилмаларни бойитиш машина ва қурилмаларни ишлатиш (ўзбек ва рус гуруҳлари);
8. Кимёвий ишлаб чиқариш (ўзбек гуруҳи);
9. Молия (ўзбек гуруҳи);
10. Бухгалтерлик иши (ўзбек гуруҳи);

### 11-СИНФНИ

#### БИТИРГАНЛАР УЧУН:

1. Халқ хўжалиги тармоқлари иқтисодиёти ва режалаштириш (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
2. Электр таъминоти (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
3. Фойдали қазилмаларни бойитиш (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
4. Рангли металлларни ишлаб чиқариш (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
5. Машинасозлик корхоналари ускуналарини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
- 11-синф ҳажмида тўлов шартнома асосида ўқитилиб, ўрта махсус маълумот берилади.

### 9-СИНФ ҲАЖМИДА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Коллеж директори номига ариза;
2. Саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (086/У форма);
3. Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси);
4. Яшаш жойидан маълумотнома (2 дона);
5. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт. (нусхаси);
6. 6 дона 3x4 ўлчамдаги фотосурат;
7. Ҳарбий билет ёки чақирқиққа алоқадорлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

### 11-СИНФ ҲАЖМИДА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Коллеж директори номига ариза;
2. Саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома (086/У форма);
3. Умумий ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси аттестат, диплом);
4. Яшаш жойидан маълумотнома (2 дона);
5. Паспорт (нусхаси);
6. 6 дона 3x4 ўлчамдаги фотосурат;
7. Ҳарбий билет ёки чақирқиққа алоқадорлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
8. Иш жойидан маълумотнома (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиладиган бўлимга кирувчилар учун);
9. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиладиган бўлимга кирувчилар учун).

## ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бошқармаси ходимларини, шу жумладан, таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳамкасбларимизни ҳамда барча Ўзбекистон халқини кириб келаётган

2006 йил –  
«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»  
билан самимий туборакбод этади!

Келаётган йилимиз  
барчамизга бахту омад,  
сиҳат-саломатлик,  
хонадонларимизга  
файзу барака олиб  
кириши, ўйлаган  
ҳамма режаларимиз  
тўла амалга  
ошишини  
Оллоҳдан сўраб  
қоламиз!